

Халқаро Қуръон мусобақаси совриндори муносиб кутиб олинди



21:47 / 01.11.2021 1948

Аввал хабар берганимиздек, Ҳабибуллоҳ қори Олимжонов Қирғизистонда бўлиб ўтган «Қуръон баҳори» номли халқаро Қуръон мусобақасида иштирок этиб, учинчи ўрин билан тақдирланган эди. Ҳабибуллоҳ қори 2021 йил 1 ноябр куни юртимизга қайтиб келди.

Яқинда Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон муслмонлари идораси ҳузурида янги очилган «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими юртимиз қориларини халқаро Қуръон мусобақаларига муносиб тарзда тайёрлаб боришни ўз олдига мақсад қилиб олган. Жумладан, бўлим ходимларининг лавозим йўриқномасида «диний таълим муассасалари талабаларининг халқаро Қуръон мусобақаларида иштирок этишини Халқаро алоқалар бўлими билан ҳамкорликда ўрнатилган тартибда амалга ошириш» ҳамда «диний таълим муассасалари талабаларининг Қуръони Карим ва тажвид бўйича билим савиясини халқаро даражага кўтариш юзасидан малакали мутахассислар билан ҳамкорликда ишлар олиб бориш» тегишли бандлар билан белгилаб қўйилган.

Ушбу эзгу мақсад йўлида бугун илк қадамлар ташланди. Мазкур бўлим мудирини Шайх Алижон қори ташаббуси ва тавсиялари асосида «Имом

Бухорий» номидаги Тошкент ислом институти ва Кўкалдош мадрасаси талабалари орасида кичик танлов ўтказилиб, халқаро Қуръон мусобақаларида иштирок этадиган қорилар саралаб олинди. Тошкент ислом институти 3-курс талабаси Ҳабибуллоҳ қори Олимжонов ҳам мазкур танлов асосида сараланиб, Қирғизистонда бўлиб ўтган «Қуръон баҳори» номи халқаро Қуръон мусобақасида иштирок этиш учун раҳбариятга тавсия қилинган эди.

Бугун вакилимиз зиммасидаги масъулиятни тўлиқ ҳис қилган ҳолда Президентимизнинг ҳамда Муфтий ҳазрат бошчилигидаги Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбариятининг ишончини оқлади. Ҳабибуллоҳ қори халқаро Қуръон мусобақасида иштирок этган 11 мамлакатдан ташриф буюрган қорилар орасида фахрли учинчи ўрин билан тақдирланди.

Шубҳасиз, бу ғалаба диний соҳадаги ислоҳотларнинг самараси! Бу ғалаба — Янги Ўзбекистоннинг янги манзараси!

Аллоҳ таоло бундай ғалабаларнинг сонини ва сифатини янада зиёда қилсин! Динимиз учун ислоҳотлар олиб бораётган раҳбарларимизга Аллоҳ азза ва жалланининг Ўзи мададкор бўлсин!

Манба: AlQuran.uz